



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

QARSHI DAVLAT TEXNIKA UNIVERSITETI

**“Global iqlim o‘zgarishi sharoitida suv tanqisligini yumshatish, qishloq
xo‘jaligini raqamlashtirishda “Smart” texnologiyalardan foydalanish
usullari” mavzusida**

**XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
TO‘PLAMI**

27-28 март 2026 йил

**СБОРНИК
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
международная научно-практическая конференция на тему "Методы
использования "Smart" технологий для смягчения дефицита воды и
цифровизации сельского хозяйства в условиях глобального изменения
климата"**

27-28 марта 2026 год

**COLLECTION
FOR THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND
PRACTICAL CONFERENCE**

**International Scientific and Practical Conference on the topic "Methods of
Using 'Smart' Technologies to Mitigate Water Scarcity and Digitalize
Agriculture in the Context of Global Climate Change"**

March 27-28, 2026

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИНИ КАДАСТР БАҲОЛАШ ВА УНИНГ
ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИ****Ў.Б. Мухторов**

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалиги ерларини кадастр баҳолашнинг мазмуни ва унинг иқтисодиёт тармоқларидаги аҳамияти таҳлил қилинган. Ерларнинг табиий ва иқтисодий кўрсаткичлари асосида шакллантирилган кадастр қийматининг ердан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда иқтисодий қарорлар қабул қилиш жараёнларига таъсири ёритилган. Олинган натижалар кадастр баҳолашни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги ерлари, кадастр баҳолаш, ер қиймати, ердан фойдаланиш, иқтисодий самарадорлик, ер ресурси.

Кириш. Ҳозирги иқтисодий ривожланиш шароитида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни илмий асосда баҳолаш иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолиятини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ерлари миллий иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш базаси бўлиб, уларнинг сифат ҳолати, ишлаб чиқариш салоҳияти ва иқтисодий қиймати мамлакат озиқ-оқат ҳавфсизлиги, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ҳамда инвестиция жараёнларига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис қишлоқ хўжалиги ерларини кадастр баҳолаш масаласи замонавий ер ресурсларини бошқариш тизимининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини кадастр баҳолаш ерларнинг табиий, мелiorатив, экологик ва иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг қийматини аниқлашга қаратилган тизимли жараёндир. Кадастр баҳолаш натижалари ердан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш, солиқ сиёсатини шакллантириш, инвестициявий қарорлар қабул қилиш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ернинг иқтисодий қийматини илмий асосда белгилаш турли иқтисодиёт тармоқлари ўртасида ресурсларни самарали тақсимлаш имконини беради.

Кадастр баҳолаш натижаларининг аҳамияти фақат қишлоқ хўжалиги соҳаси билан чекланиб қолмасдан, саноат, қурилиш, транспорт, молия ва банк тизими каби иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам намоён бўлади. Ер қийматига оид ишончли маълумотлар инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, кредит таъминоти шакллантириш, инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудий режалаштириш жараёнларида кенг қўлланилади. Шу билан бирга, кадастр баҳолаш орқали ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва деградация жараёнларининг олдини олишга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилади.

Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалиги ерларини кадастр баҳолашнинг мазмуни ва унинг иқтисодиёт тармоқларидаги аҳамиятини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, амалда қўлланилаётган ёндашувларни баҳолаш ҳамда уларни такомиллаштириш масалаларини ёритиш долзарб ҳисобланади. Мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги ерларини кадастр баҳолашнинг назарий-услубий асослари ва унинг иқтисодиёт тармоқларидаги тугган ўрни комплекс тарзда кўриб чиқилади.

Материаллар ва методлар. Тадқиқотда қишлоқ хўжалиги ерларини кадастр баҳолашга оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, расмий статистик маълумотлар ҳамда илмий манбалар материал сифатида фойдаланилди. Ерларнинг табиий, мелiorатив ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича мавжуд маълумотлар умумлаштирилди.

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва таққослаш, статистик қайта ишлаш ва иқтисодий таҳлил усуллари қўлланилди. Кадастр баҳолаш натижалари иқтисодиёт тармоқларида қўлланилиши нуқтаи назаридан баҳоланиб, умумлаштириш усули асосида ҳулосалар шакллантирилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Олиб борилган тадқиқот натижалари қишлоқ хўжалиги ерларини кадастр баҳолаш иқтисодиёт тармоқларида қарор қабул қилиш

жараёнларида муҳим ахборот банбаи эканлигини кўрсатди. Ерларнинг табиий ва иқтисодий кўрсаткичлари асосида шакллантирилган кадастр қиймати улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

1-жадвал

Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифат кўрсаткичлари ва кадастр қиймати

Кўрсаткичлар	Паст сифатли ерлар	Ўрта сифатли ерлар	Юқори сифатли ерлар
Бонитет билли	41-50	51-65	66-80
Кадастр қиймати (млн.сўм/га)	18-22	23-30	31-38
Ўртача ҳосилдорлик (ц/га)	22-25	28-35	38-45

1-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, ер сифати яхшиланиши билан кадастр қиймати ва ҳосилдорлик ўртасида барқарор мусбат боғлиқлик мавжуд. Бу кадастр баҳолашда қўлланилаётган кўрсаткичлар ернинг реал ишлаб чиқариш салоҳиятини акс эттираётганини кўрсатади.

Табиий кўрсаткичлар	Кадастр баҳолаш натижалари	Ер солиғи, инвестиция, кредит таъминоти	Иқтисодиёт тармоқларида самарадорлик
---------------------	----------------------------	---	--------------------------------------

1-расм. Кадастр баҳолаш, ер қиймати, иқтисодий қарорларнинг мантикий узвийлиги

Ушбу механизм кадастр баҳолаш натижаларининг қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда молия, банк, инвестиция ва ҳудудий режалаштириш соҳаларида ҳам қўлланилишини кўрсатади.

2-жадвал

Кадастр қийматига асосланган иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили

Кадастр қиймати (млн.сўм/га)	Ер солиғи (минг сўм/га)	Даромад (млн.сўм/га)	Самарадорлик даражаси
18-22	450	7.0-8.0	Паст
23-30	620	10.0-14.0	Ўрта
31-38	850	18.0-22.0	Юқори

2-жадвал натижаларига кўра, кадастр қиймати ошиши билан ер солиғи ҳам ортиб боради, бироқ даромад ўсиш суръати солиқ юкидан юқори эканлиги аниқланди. Бу ердан самарали фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан мақбул эканлигини кўрсатади ва кадастр баҳолашнинг рағбатлантирувчи функциясини тасдиқлайди.

Қишлоқ хўжалигида	→	Ишлаб чиқаришни режалаштириш
Молия ва банк тизимида	→	Кредит таъминоти
Инвестиция соҳасида	→	Лойиҳаларни баҳолаш
Давлат бошқарувида	→	Солиқ ва ер сиёсати

2-расм. Кадастр баҳолашнинг иқтисодиёт тармоқларига таъсири

Таҳлил шуни кўрсатадики, кадастр баҳолаш натижалари иқтисодиёт тармоқларида ўзаро боғлиқликни таъминлайди ва ер ресурсларидан фойдаланишда тизимли ёндашувни шакллантиради.

Хулоса. Олинган натижалар бўйича шуни хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги ерларини кадастр баҳолаш ер ресурсларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш билан чекланмасдан, иқтисодиёт тармоқларида стратегик қарорлар қабул қилишга хизмат қилади. Жадвал ва рақамлар асосидаги таҳлил кадастр баҳолашни такомиллаштириш ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти эканлигини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Волков С.Н. Земельный кадастр и кадастровая оценка земель сельскохозяйственного назначения. – М.: Колосс, 2017. – 400 с.

2. Тошпўлатов А.Т., Абдурахмонов Қ.Қ. Қишлоқ хўжалиги ерларини кадастр

баҳолашнинг услубий асослари // Ўзбекистон аграр фанлари журнали. – 2020. – №3. – Б. 42–48.

3. Қодиров Н.М. Ер ресурсларини иқтисодий баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш: и.ф.д. дисс. – Тошкент, 2019. – 278 б.

4. FAO. Land evaluation: principles and methods. – Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations, 2016. – 115 p.

5. Enemark S., Bell K., Lemmen C., McLaren R. Fit-for-purpose land administration // Journal of Land Use Science. – 2014. – Vol. 9(4). – P. 1–20.

6. Zhang Y., Wu F. Cadastral valuation and land productivity analysis using GIS technologies // Computers and Electronics in Agriculture. – 2020. – Vol. 170. – 105250.

7. Расулов А.Б. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни иқтисодий баҳолаш масалалари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2021. – №2. – Б. 85–91.

8. Маматов Б.С., Норбоев А.А. Қишлоқ хўжалиги ерларининг бонитет балли ва кадастр қиймати ўртасидаги боғлиқлик таҳлили // Аграр фан хабарлари. – 2022. – №1. – Б. 30–36.

UDK 332.3

QASHQADARYO VILOYATI YER FONDINING YER TOIFALARI VA TURLARI BO‘YICHA TAHLILI

S.K. To‘rayev

“Geoinnovatsiya markazi” davlat unitar korxonasi

Annotatsiya: Mazkur maqolada Qashqadaryo viloyati yer fondining tarkibi, uning yer toifalari va yer turlari bo‘yicha taqsimlanishi hamda ulardan foydalanish holati tahlil qilingan. Tadqiqot davomida viloyat hududida mavjud qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yerlar, aholi punktlari yerlari, sanoat va transport infratuzilmasi yerlari, o‘rmon va suv fondi yerlari hamda zaxira yerlarning hududiy ulushi o‘rganilgan.

Kalit suzlar: yer fondi, yer resurslari, yer toifalari, yer turlari, qishloq xo‘jaligi yerlari, sug‘oriladigan yerlar, lalmi yerlar, yaylovlar, yer resurslarini boshqarish.

Kirish. Yer resurslari har qanday hududning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida muhim ahamiyatga ega bo‘lgan tabiiy boyliklardan biridir. Yer fondidan oqilona foydalanish, uning toifalari va turlari bo‘yicha to‘g‘ri taqsimlanishi qishloq xo‘jaligi, sanoat, infratuzilma hamda ekologik barqarorlikni ta‘minlashda katta rol o‘ynaydi.

Qashqadaryo viloyati O‘zbekistonni Qashqadaryo viloyati yer fondining umumiy tavsifi: Qashqadaryo viloyati O‘zbekiston Respublikasining janubi-g‘arbiy qismida joylashgan bo‘lib, umumiy maydoni taxminan **28 ming kvadrat kilometr**ni tashkil etadi. Viloyat hududi asosan Qarshi vohasi, adir va tog‘ oldi hududlari hamda keng yaylovlardan iborat.

Viloyatda yer fondining tarkibi tabiiy sharoit, iqlim, relief va suv resurslariga bog‘liq holda shakllangan. Hududning katta qismi qishloq xo‘jaligida foydalaniladigan yerlar hisoblanadi. Ayniqsa sug‘oriladigan yerlar paxtachilik, g‘allachilik va bog‘dorchilik uchun muhim ahamiyatga ega.

Yer fondining tuzilishi odatda quyidagi asosiy toifalarga bo‘linadi: Qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yerlar, aholi punktlari yerlari, sanoat, transport va boshqa maqsadlar uchun ajratilgan yerlar, o‘rmon fondi yerlari, suv fondi yerlari, zaxira yerlar.

Mazkur toifalar hududning iqtisodiy rivojlanishi hamda tabiiy resurslardan foydalanish darajasini aks ettiradi. ng yirik qishloq xo‘jaligi hududlaridan biri bo‘lib, uning yer fondi turli tabiiy-iqlim sharoitlari hamda xo‘jalik faoliyatining o‘ziga xosligi bilan ajralib turadi. Viloyatda sug‘oriladigan yerlar, yaylovlar, tog‘ va adir hududlari hamda sanoat va aholi punktlari yerlarining salmoqli ulushi mavjud. Shu sababli yer fondining toifalari va turlari bo‘yicha tahlil qilish hududning barqaror rivojlanishini ta‘minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Yer fondining yer toifalari bo‘yicha tahlili: Qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yerlar. Qashqadaryo viloyati yer fondida eng katta ulushni qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yerlar egallaydi. Bu yerlar asosan sug‘oriladigan ekin maydonlari, lalmi yerlar, yaylovlar va pichanzorlardan iborat.

72	I.K.Gayimnazarov, B.B.Shermatov Analysis of energy-efficient materials in construction.	214
73	U.J.Quvvatov, A.A.Abdirazakov, M.Q.Jomurodova, S.I.Davranov Gidroto'plash elektr stansiyalari energiya ta'minotida foto energetik qurilmalardan foydalanish.	218
74	M.S.Rasulova, M.F.Xo'jamshukurova. Suv resurslarini boshqarishda raqamli texnologiyalarning ahamiyati.	220
75	O.N.Norboyev. Qashqadaryo viloyati nishon tumani sharoitida ochiq polimerli 800 m ³ suv havzasida suv bug'lanishini penman modeli asosida hisoblash.	222
76	A.I.Qurbanov, B.E.Norqulov, M.U. Umidullayev, D.A. Qalandarova. Shavot kanalida qirg'oq yuvilishini oldini olish va morfometrik ko'rsatkichlarini o'zgarishni baholash.	228
77	I.B.Xushmatova, S.Sh.Sag'dullayeva. Chipoletti vodoslivlarida suv sarfini o'lchash: nazariya va amaliyot.	234
78	F.F.Bobomurodov, A.R.Hazratov, I.Sh.Payanova. Suv tashlagichlarning gidravlik samaradorligini oshirish bo'yicha zamonaviy yechimlar	237
79	Б.М.Холбаев, М.Авлакулов Методологические подходы к формированию и управлению мелиоративными режимами.	242
II SHO'BA. YER RESURSLARIDAN BARQAROR FOYDALANISH VA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH		
1	С.У.Кадилов, Б.Ш.Хакимжонова, М.Б.Йулчиева. Устойчивое использование земельных ресурсов посредством переработки сланцевого сырья.	244
2	С.У.Кадилов, М.Б.Йулчиева. Разработка технологии снижения пылеобразования на основе кристаллизации почвенных солей для устойчивого использования земельных ресурсов.	247
3	M.U.Isomiddinov. Yer resurslarini boshqarishda sun'iy intellekt texnologiyalarining roli.	249
4	S.Z.Aliqulova, N.A.Mamajonova. Teodolitlarning sanoq olish qurilmalari.	254
5	С.У.Кадилов, М.Б.Йулчиева. Рациональная переработка отходов железоксидного катализатора аммиачного производства с целью получения железных хелатов и эффективного использования земельных ресурсов.	256
6	Ў.Б.Мухторов. Қишлоқ хўжалиги ерларини кадастр баҳолаш ва унинг иқтисодиёт тармоқларидаги аҳамияти.	259
7	S.K.To'rayev. Qashqadaryo viloyati yer fondining yer toifalari va turlari bo'yicha tahlili.	261
8	S.K.To'rayev. Yer hisob tizimlarining tarixiy shakllanishi va ularning rivojlanish tendensiyalari.	265
9	J.Ch.Urinov. O'zbekiston sharoitida yer va ekin turlarini joylashtirish hamda almashlab ekishni tashkil etishning ilmiy asoslari.	272
10	J.Ch.Urinov. Yer turlarini va almashlab ekishni tashkil etish.	278
11	N.M.Xolov. Yerlarni taqsimlash va qayta taqsimlashning sug'oriladigan ekin yerlaridan foydalanish samaradorligiga ta'siri.	283
12	M.A.Xudoynazarova. Baxmal tumani tuproqlarning balandlik bo'ylab tarqalishi.	285
13	Sh.Suyunova. Toshkent viloyati yer resurslaridan oqilona foydalanish.	288
14	M.T.Azimov. Lalmi dehqonchilik hududlarining geografik joylashuvi va ularning hosildorligini oshirishda innovatsion texnologiyalarning roli.	292
15	X.T.Azimov. Yer monitoringi ishlarini olib borish bo'yicha xorijiy davlatlar tajribasi.	295
16	M.T.Azimov. Lalmi yerlarda qishloq xo'jaligi ishlab chiqarish samaradorligini oshirish muammolari.	299